



## ЎЗБЕКИСТОНДА КРЕДИТ ФОИЗЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*О.А. Хакимов*

*Термиз Давлат университети тадқиқотчиси*

## THE LEGAL BASES REGULATION OF LOAN INTEREST IN UZBEKISTAN

*O.A. Khakimov*

*Researcher of Termiz State University*

**JEL Classification: M1, M4, M41**

**Аннотация.** Ушбу мақолада банк кредит фоизларини тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларга киритилиши керак бўлган ўзгартиришлар самараси бўйича умумий хулоса ва таклифлар келтирилган.

**Таянч сўзлар.** Банк фоизи, қайта молиялаш ставкаси, депозит, кредит сиёсати, воситачилик ҳаққи, оилавий тадбиркорлик, имтиёз ва приференциялар, мулкӣ жавобгарлик, жамрима, кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик.

**Abstract.** This article presents a general conclusion and suggestions on the effect of regulatory legal documents as well as regulating bank loan interest rates and the changes that should be made to them.

**Basic words.** Bank interest, refinancing rate, deposit, loan, policy, brokerage fee, family business, benefits and preferences, property liability, penalty, small, medium and large business.

**Кириш**

Бозор иқтисодиёти тизимларни тартибга солувчи ўзининг объектив қонунлари ҳамда ўзини-ўзи тартиблаш дастаклари бўлгани каби банк фаолиятида кредит фоизларини белгилашнинг ҳам меъёрий ҳуқуқий асослари мавжуд.

Дастлабки 2023 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”нинг [1] 151-моддасида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банклардан иборатдир дейилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз вазифаларини бажаришда мустақиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун билан белгиланиши қайд этилган. Бугунги кунда жаҳон андозаларига жавоб берадиган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги [2] ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги [3] қонунларимиз қабул қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисидаги қонунининг 20-моддасида Марказий банк қайта молиялаш ставкасини белгилаши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, қонунинг 26-моддасида нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк амалга ошириётган пул-кредит сиёсати доирасида бозор фоиз ставкалари даражасига таъсир кўрсатиш учун фоиз сиёсатини қўллаши белгиланган.

Марказий банк Бошқарувининг 2024 йил 25 январда қабул қилган қарорига кўра бугунги кунда қайта молиялаш ставкаси 14 % қилиб белгиланган.

Кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори банк томонидан мустақил белгиланади. Чунончи, 2019 йил 5 ноябрда ўзгартиришлар билан янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги қонунининг 62-моддасига кўра тижорат банки мижози билан тузилган шартнома шартларини, шу жумладан кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ва уларни белгилаш тартибини, депозитлар бўйича фоиз ставкаларини, воситачилик ҳақи миқдорини ва ушбу шартномаларнинг амал қилиш муддатларини бир тарафлама ўзгартириш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки" ва Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлардан келиб чиққан ҳолда 22.02.2000 йил № 429

сон билан "Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги низом [4] ишлаб чиқилган.

Ушбу низомга кўра ҳар бир тижорат банклар кредит сиёсатини ишлаб чиқиб банк Кенгашидан тасдиқлагач кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахсларига юклатилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кредит сиёсатининг тавсифи аниқланади. Шунингдек, кредит стратегиясини шакллантиришда ва тегишли кредит сиёсатини тайёрлашда, банк кредит портфелининг таркибига ҳамда банк фаолиятини амалга оширилаётган ҳудуднинг иқтисодиётини ҳисобга олиши шарт.

Банкнинг кредит сиёсати банк Кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқилиши керак. Агарда йил давомида зарурат бўлса кредит сиёсатининг аксарият қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони [5] ижросини таъминлаш мақсадида "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон республикаси Вазирлар



Маҳкамасининг 31.03.2022 йилдаги 145-сон қарори [6] қабул қилинди.

Ушбу қарорга кўра туман (шаҳар) ҳокимликларида «Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳокимлар ёрдамчиларининг тавсиялари асосида 14 фоизлик ставкада 33 миллион сўмгача (бугунги кунда 100 млн.сўм қилиб белгиланди) миқдорда кредит ажратилиши белгиланган. Бунда, муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик учун — 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ҳамда боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга кредит ажратилмоқда.

Ўзбекистон республикаси Президент томонидан 13.04.2023 йилдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ №51-сонли

фармони [7] имзоланди. Ушбу фармонга кўра банкларга ипотека кредитларини расмий даромадга эга бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам ажратишга рухсат этилди, кредит учун дастлабки бадални кўпроқ тўлаган кредит олувчига кредит фоизини табақалаштирилган фоиз ставкаси ўрнатиш белгиланди. Шу давргача, кредит фоизи 18% белгиланиб, 5 йил муддатгача кредит фоизининг 10% миқдори қарздор ва 8% жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига қоплаб бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 18.08.2022 йил “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таълим олиши учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 457-сонли қарори [8] қабул қилинди. Ушбу қарорда барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таълим шаклидан қатъий назар талаба хотин-қизларга контракт тўловлари учун 14 фоиз ставкада кредит фоизлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан қоплаш орқали расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтариш шarti билан ажратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2023 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари



доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” № 39-сонли қарори [9] қабул қилинди. Қарорга кўра 2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун камида 13 триллион сўм оқим ёрдамчисининг тавсиясига кўра 14% ставкада ажратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7.07.2023 йилдаги “20 минг тадбиркор-500 минг малакали мутахассис дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига [10] кўра 2023-2024 йилларда 1 млрд АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очиб дастурга киритилган тадбиркор субъектларига имтиёз ва преференциялар бериш орқали кредит бериш кўзда тутилган.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сон қарори [11] қабул қилинган. Ушбу қарорни муҳим жиҳатларидан банк тизими активларининг умумий ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари улушини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш, банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида банкларнинг хусусий сектор олдидаги мажбуриятлари улушини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш, 2025 йилга келиб давлат улуши

мавжуд камида учта банк капиталларига зарур тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳамда энг асосийларидан бири умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача оширишга эриш деб кўрсатилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувчининг 02.07.2018 йилдаги “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №3030-сонли қарори [12]. Ушбу қарорда кредит олувчилар учун жуда кўп қулайликлар келтирилган. Айниқса, банк истеъмолчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида, шу жумладан истеъмолчига нисбатан мажбуриятларни бузганлиги учун қўлланиладиган неустойка (жарима, пеня) ва уларнинг натижасида истеъмолчининг харажатлари суммаси ошиши эҳтимоли тўғрисида ахборот берилиши кўзда тутилган. Бироқ, банклар кредитлар бўйича маълумот берганида ушбу маълумот негадир айтилмайди.

Яна бир фоизларга асосий дахлдор бўлган ҳужжатлардан бири бу - Ўзбекистон Республикасининг



“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунидир.<sup>1</sup>[13]

Қонуннинг 5-моддасида банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Шу сабабли, 11.07.2008 йилда рўйхатдан ўтган №1834-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси” тасдиқланган.[14]

Маълумки, 2.11.1998 йил №558-сон билан “Банкларнинг кредитлари ва депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби” қабул қилиниб, ушбу йўриқнома асосида банкларда ҳисоб-китоблар амалга ошириб келинган. Ривожланишлар ва ўзгаришлар сабабли 09.02.2004 йилга келиб ушбу йўриқнома ўз кучини йўқотди. Ушбу йўриқноманинг ўрнига 30.01.2004 йилда №1306-сонли “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” ги низом<sup>2</sup> қабул қилинди. [15]

Ушбу тартиб-қоидалар Ўзбекистон Марказий банки томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатларга бўйсунди ва ҳар бир банкда фарқ қилиши мумкин. Кредит ёки депозит шартномасидаги шартларни диққат

билан кўриб чиқиш жуда муҳим, чунки улар ҳар бир шахсий ҳисоб ёки кредит учун қўлланиладиган фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳақида аниқ маълумот беради.

Ўзбекистонда банк кредитлари бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби ҳар бир алоҳида банк томонидан ўрнатилган муайян муддат ва шартларга қараб фарқланади. Бироқ, одатда амал қилинадиган баъзи умумий кўрсатмалар мавжуд. Банкда кредитлари бўйича биринчи ўринда кредит шартномаси тузилади. Унда кредит шартлари, жумладан, **фоиз ставкаси** кўрсатилган. Шунингдек, ушбу фоизларни ҳисоблаш усуллари бу оддий фоизлар ёки мураккаб фоизлар бўлиши мумкин. Оддий фоизда ҳисобланганда фоизлар асосий қарз миқдори (қарз суммаси) ва кредит муддати давомида келишилган фоиз ставкаси асосида ҳисобланади. Мураккаб фоизларда ҳисобланганда эса фоизлар ҳар бир давр учун асосий қарз миқдори ва тўпланган фоизлар асосида ҳисобланади. Мураккаблаштириш частотаси (масалан, ойлик, чораклик, йиллик) кредит шартномасида кўрсатилади.

Бундан ташқари, мижозлар кредит олишда кўп эътибор бермайдиган жиҳатларидан бири, бу кечиккан кун учун тўланадиган пеньядир. Шу сабабли, банклар ўз маҳсулотларини реклама қилиш жараёнида ушбу жарималар бўйича ҳам алоҳида тўхталиши шарт деб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни 30.08.1996 йилдаги №279-1-сонли қонуни

<sup>2</sup> Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида, 30.01.2004

йил №1306-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.





ҳисоблаймиз. Чунончи, банк миждидан кредитни тўлашда асосий қарз миқдори ва ҳисобланган фоизларни ўз ичига олган мунтазам тўловларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 14.07.2015 йилдаги "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги № 2696-сонли қарорига кўра тижорат банкларининг активлари сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади. [16]

Ўзбекистонда фоизлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳисобланади. [17] Хусусан, Фуқаролик кодексининг 665-моддасида шартномавий муносабатларда фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш масалалари кўриб чиқилади. Унда фоизларни ҳисоблаш мумкин бўлган қоидалар ва шартлар, шу жумладан, томонлар ўртасидаги келишувда фоиз ставкаси, тўлов шартлари ва бошқа тегишли шартларни белгилаш мажбурияти кўрсатилган.

Фуқаролик кодексининг 744-моддасида кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул

маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олиши кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 260-моддасига кўра қонунчилик ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланиши, 261-моддада ушбу тўлаш шарт бўлган суммасида ҳисобланадиган нустойка жарима ҳисобланиши айтиб ўтилган.

Қарздор мажбуриятларининг бажарилишини кечиктириб юборганда тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган нустойка пеня ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Банклар тўғрисида"ги қонуни банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва тўлашни тартибга солади. Ушбу қонун кредитлар, депозитлар ва бошқа банк операциялари бўйича фоиз ставкалари, шунингдек, банклар ва уларнинг миждозларининг фоизлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби жиҳатларни қамраб олади.

Маълумки ҳар бир тижорат банки кредит бериш орқали фоиз кўринишида даромад олади. Кредит учун фоиз 16309-ҳисоб рақамда ҳисобланган бўлса бўлди, бу солиқ идоралари учун тижорат банки ушбу маблағни даромад сифатида олган ҳисобланган ҳолда солиқлар



ҳисобланади. Бугунги кунда тижорат банкларда мавжуд муаммолардан бири фоизларни ундирилмай қолиши ва 16377-ҳисоб рақамга ўтишидир. Буни муаммо деб қарасакда шартнома шартларига кўра муддати ўтган кун учун қўшимча фоизларни ҳисобланиши ҳам банкга яхшигина даромад келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид" давлат дастурининг 237-бандида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш тартибини жорий этиш вазифаси белгиланган. [18]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.08.2022 йилда "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги 428-сонли қарорига кўра фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредит (лизинг)лари бўйича жамғарма томонидан тижорат банкларининг 5 млрд сўмдан ошмаган миллий валютада ажратиладиган кредитларга 1-3 тоифадаги туман (шаҳар)ларда жойлашган кичик

тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари бўйича фоиз ставкасининг асосий ставкадан ошган, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмига, шунингдек, 4-5 тоифадаги туман (шаҳар)ларда жойлашган кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари бўйича фоиз ставкасининг асосий ставкадан ошган, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 40 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун 3 йил муддатгача компенсация тақдим этилади.

Дастлаб, кредит фоизи бўйича компенсацияси 2 йилга берилиб, 2 йил давомида бизнес-режада кўзда тутилган кўрсаткичлари тўлиқ бажарган тақдирдагина кейинги 3-йилга қўшимча муддат узайтирилади. Акс, ҳолда эса бу компенсация учинчи йилга узайтирилмайди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан 1-3 тоифадаги туман (шаҳар)ларда жойлашган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдордаги лойиҳаларига ажратиладиган кредит суммасининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам киради) кафилликларга, шунингдек, 4-5 тоифадаги туман (шаҳар)ларда жойлашган кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига ажратиладиган кредит суммасининг 75 фоизигача (75 фоизи ҳам киради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда компенсация берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Пленумининг 15.06.2007 йилдаги "Мажбуриятларни бажармаганлик



ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” №163-сонли қарорига [19] кўра мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда иқтисодий судлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги №670-1-сонли қонунларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилади. [20]

Ушбу ҳужжатда судларга Фуқаролик кодексининг 333-моддаси билан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун жавоб бериши кўрсатилган. Шунингдек, агарда қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботлаб бера олса айбсиз деб топилиши мумкин. Чунончи, қарздорда мажбуриятлар бўйича қарзни тўлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг йўқлиги, бошқа шерикларининг қарздор билан келишган шартларининг бузилиши ҳамда мажбуриятни бажариш учун керак товарларнинг бозорда йўқлиги қарздорни фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўзда тутилган фоизларни ёки қонун ҳужжатларида

ёхуд шартномада келишилган неустойкаларни тўлашдан озод этиш учун асос бўла олмаслиги белгиланган. Яъни, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун пеня, жарима ёки фоизларнинг ҳисобланиши мажбуриятни бажариш муддати тугаган куннинг эртасидан, бундай муддат белгиланмаган ҳолларда эса, кредитор томонидан мажбуриятларни бажариш талаб қилинган кундан 7 (етти) кунлик муддатда ўтиши билан бошланади.

**Деярли барча қонун ва қонун ости ҳужжатларида пеня, неустойка ва жарималар белгиланган.** Масалан, тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисобкитобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (бюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди<sup>3</sup> дейилган.

Бундан ташқари, етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (бюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги №670-1-сонли қонунининг 32, 35-моддалари





суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди деб кўрсатилган (32-модда).

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48 мувофиқ фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-2, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (35-модда).

Кредит фоизларининг ўз вақтида тўлай олмаслик натижасида кредитнинг ёпилмай қолган қисми бўйича тижорат банклари суд орқали таъминотидан ундириш мақсадида судларга мурожаат қилишади. Бунинг натижасида, судлар

томонидан давлат божи суммаси белгиланади. Бу эса, Ўзбекистон республикасининг 06.01.2020 йилдаги «Давлат божи тўғрисидаги» № 600-сонли қонун билан белгиланади. Ушбу суммани тўғри ҳисобланган ҳолда давлат бюджетига ундирилиши устидан назорат эса Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 йилдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги №474-И-сонли қонунига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–269-сон [21] ҳамда 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ–21-сон Фармонида [22] мувофиқ кичик тадбиркорлик (яқка тартибдаги тадбиркорлар) субъектлари, яъни микрофирмалар деб жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган таъсисчилари жисмоний шахслар бўлган тадбиркорлар тушуниладиган бўлди.

Таъсисчилари юридик шахс бўлган жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлганлар эса **кичик корхоналар** деб белгиланди. Шунингдек, жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлар эса **ўрта тадбиркорлик**



**субъектлари** сифатида қаралиши, жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари эса **йирик тадбиркорлик субъектлари** деб кўрсатиб ўтилди.

Ушбу Фармонда тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Шу сабабли, тадбиркорларни ривожланиши қўшимча қиймат яратиши, қўшимча ишчи ўрни ташкил қилиши ҳамда даромад топиши учун уларнинг кредит ҳисобидан ташкилот балансида пайдо бўлган асосий воситаларни кредит муддати даврида мол-мулк солиғидан озод қилиш керак бўлади.

Юқоридагилардаги таҳлилларимиз натижасига кўра, йилдан йилга кредит фоизларининг ошиб кетишига асосий сабаб, Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ўзгаришсиз қолаётганлиги, инфляция даражаси юқорилиги,

кредит ресурсларнинг қимматлиги ва банклардан олинаётган кредитларнинг мижозлар томонидан ўз вақтида ёпилмасдан жарималарни (ички инкестиясини йўқотаётганлиги) тўлаётганлиги мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, тадбиркорларнинг шартнома шартларига кўра ўз вақтида кредитни тўлай олмаслик оқибатида юзага келган жарима, пеня ва неустойкаларни мамлакат ички инвестиция маблағлари сифатида қаралган ҳолда Фуқаролик кодексида банк кредитларига нисбатан ушбу жарима, пеня ва неустойкаларни бекор қилиш керак деб ҳисоблайман.

Банк сири қонунидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклардан кечиктирилган кредит тўловлари учун ҳисоблаб ундирилган жарималарни (16405 ҳисоб рақам бўйича) маълумотини олишни имкония бўлмаганлиги ҳам мазкур соҳада таҳлилларни қилишга имконият йўқлигини кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1.05.2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида» қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонуни 11.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонун, 5.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2022 йилдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-269-сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ



сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ 21-сонли Фармони

7. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2022 йил № 145-сонли қарори “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилинди.

8. Ўзбекистон республикаси Президент томонидан 13.04.2023 йилдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ №51-сонли фармони

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 18.08.2022 йил “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таълим олиши учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 457-сонли қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2023 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” № 39-сонли қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7.07.2023 йилдаги “20 минг тадбиркор-500 минг алакали мутахассис дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори

12. Ўзбекистон республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ № 5992-сонли қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувчининг 02.07.2018 йилдаги “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №3030-сонли қарори

14. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси” 11.07.2008 йилда рўйхатдан ўтган №1834-сонли қарорига кўра.

16. “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” ги 30.01.2004 йилда №1306-сонли низом

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 14.07.2015 йилдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 2696-сонли қарори

18. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 01.ю.03.1997 йил



19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид” давлат дастури

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Пленумининг 15.06.2007 йилдаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” №163-сонли қарори

21. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги №670-1-сонли қонуни.